ИШЕМИК ИНСУЛЬТДАН КЕЙИНГИ КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАРНИ КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШДА ТРАНСКУТАН ВАГУС НЕРВ СТИМУЛЯЦИЯСИ ВА EEG МОНИТОРИНГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давлатбаев Алишер Фахраддин ўғли

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Долзарблиги. Постинсульт когнитив бузилишлар беморнинг реабилитация натижаларини чекловчи асосий омиллардан бири бўлиб, улар диққат, хотира, ижро функциялари ва умумий когнитив фаолликнинг пасайиши билан намоён бўлиши мумкин. Замонавий нейрореабилитацияда нейропластикликни фаоллаштирувчи ноинвазив нейромодуляция усулларига, хусусан транскутан вагус нерв стимуляциясига қизиқиш ортиб бормоқда. Мавжуд илмий маълумотлар ушбу усулнинг постинсульт функционал тикланишда истиқболли эканини кўрсатса-да, когнитив функциялар ва бош мия биоэлектрик фаоллигига комплекс таъсири етарлича ўрганилмаган.

Мақсад. Ишемик инсультдан кейинги когнитив бузилишларда транскутан вагус нерв стимуляциясининг клиник ва нейрофизиологик аҳамиятини асослаш ҳамда EEG мониторинги орқали терапевтик жавобни баҳолашнинг амалий имкониятларини белгилаш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотда ишемик инсультнинг кечки тикланиш даврида когнитив бузилишлари мавжуд беморларни комплекс баҳолаш назарда тутилган. Асосий гуруҳда стандарт комплекс реабилитация билан биргаликда ноинвазив вагус нерв стимуляцияси, назорат гуруҳида эса амалдаги стандарт реабилитация усуллари қўлланилади. Когнитив ҳолат MoCA ва Trail Making Test A/B орқали, неврологик дефицит NIHSS билан, функционал мустақиллик Barthel индекси ёрдамида баҳоланади. Бош миянинг биоэлектрик фаоллиги EEG орқали ўрганилиб, когнитив

кўрсаткичлар билан корреляцион муносабатлари таҳлил қилинади.

Муҳокама. EEG постинсульт беморларда кортикал функционал ҳолат ва нейрон тармоқлар қайта ташкилланишини ноинвазив баҳолаш имконини беради. Вагус нерв стимуляцияси нейромодулятор тизимлар орқали нейропластик жараёнларга таъсир қилиши мумкинлиги сабабли, EEG динамикаси терапияга жавобнинг объектив нейрофизиологик маркери сифатида истиқболли ҳисобланади. Когнитив функциялар яхшиланиши билан EEGдаги функционал ўзгаришларни параллел баҳолаш клиник самаранинг механизмларини янада аниқ тушуниш имконини беради.

Хулоса. Транскутан вагус нерв стимуляцияси постинсульт когнитив бузилишларни комплекс реабилитация қилишда истиқболли нейромодуляцион ёндашув ҳисобланади. EEG мониторингини MoCA, TMT, NIHSS ва Barthel индекси билан бирлаштириш терапевтик жавобни комплекс баҳолаш, беморларни индивидуал танлаш ва персоналлаштирилган нейрореабилитация алгоритмини шакллантириш учун илмий асос яратиши мумкин.